



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (12.352)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил — Обод турмуш йили

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 14 февралда имзоланган Қарорига мувофиқ қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Дастурнинг иккинчи бўлимида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг мутасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлики янада ривожлантириш, аҳолини, аввало, ижтимоий ҳиммага муҳтож қатламлар ҳамда кам таъминланган оила-ларни давлат томонидан манзилли ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), яқна тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш (218,4 минг), фермер ва деҳқон хўжалиқларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий ночор ҳамда фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) ҳисобидан 972,7 мингта янги иш ўрини яратиш режалаштирилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи кўп бўлган 53 туманда хомашёни чуқур қайта ишлайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграциялашган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илҳам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан 13 мингта юқори технологик янги иш ўринлари яратилди.

Замонавий ишлаб чиқаришларни яхши тайёргарликка эга, малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда касб-хунар коллежларининг иш бевуви корхоналар билан кооперация асосидаги ҳамкорлигининг турли шакллари ривожлантирилмоқда. 2013 йилда бўш ва заҳира иш ўринлари ҳисобидан касб-хунар коллежларининг 500 мингдан ортиқ битирувчисини

ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда коллежларга иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган 90 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот бириктирилади. Касб-хунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти кенгайди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят маркази, йирик шаҳар ва туманларда иш бевуви иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилади.

Давлат дастурида иш билан банд бўлмаганларни касбга ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Мисол учун, жорий йилда Тошкентдаги Касб-хунарга ўқитиш марказида 600 нафар йигит-киз машинасозлик, электроника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби соҳаларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Бу мақсадлар учун Бандликка қўмаклашиш жамғармаси томонидан 500 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилади. 2013-2015 йилларда Самарқандда ҳам ана шундай 240 ўринли Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугун мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиги, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланимоқда.

(Давоми 3-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИНИ ЎТКАЗДИЛАР

26 февраль кун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви бўлиб ўтди. Ушбу масала юзасидан «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси Ф.Ризаев ахборот берди.

Мазкур тадбир миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон ҳалқларининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган туризмни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг боришини таҳлил этиш ва ҳолис баҳолаш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилди.

Шу нарса таъкидландики, бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда хориждаги экспертлар туризмни ривожлантириш борасида Ўзбекистон битмас-туганмас салоҳи-

ятга эга эканлигини эътироф этмоқдалар. Республика-миз ҳудудида турли даврларга ва тамаддунларга та-аллуқли 4 мингдан зиёд меъморчилик ва санъат ёдгор-ликлари мавжуд бўлиб, улардан кўпи ЮНЕСКОнинг бу-тунжаҳон маданий мероси рўйхати-га киритилган.

Мазкур тармоқдаги ишларнинг аҳолини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, мамлакатимиз му-стақиллиги йилларида туризм соҳасини тартибга со-лиш ҳамда иқтисодиётнинг туристик салоҳиятини из-чил ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база яратилган. Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, туризм

иштирокида online мулоқот ўт-казилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманида-ги «Оққўрғон» маҳалласида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** «Тенгдош» маданият уйида «Рақслар жилоси» мавзуида адабий кеча ва концерт ўткази-лади.

✓ **ЭРТАГА** Республика имкони-

яти чекланган шахслар учун ихти-сослаштирилган касб-хунар колле-жида «Миссионерлик ва «оммавий маданият» унсурларига қарши ку-рашиш» мавзусида тадбир бўлиб ўтади.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Кўргазмалар

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

«ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкорлари томонидан шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида бирйўла учта – қурилишга оид «UzBuild», иситиш ва вентиляция маҳсулотларининг «Aqua-Therm Tashkent», мебель ва ишлаб чиқариш технологияларининг «MebelExpo Uzbekistan» кўргазмалари очилди.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республика-си Ташки иқтисодий алоқалар, инвести-циялар ва савдо вазирлиги, Савдо-са-ноат палатаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» аген-тлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акци-ядорлик ва «Файз» холдинг компания-лари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Австрия, Бельгия, Германия, Да-ния, Италия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Россия каби дун-ёнинг 24 мамлакатидан икки юзга яқин компания ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Экспозициянинг 57 фоизи хо-рижий, 43 фоизи маҳаллий ишлаб чи-карувчилар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимиз қурилиш бозорининг вакиллари сифатида «UzBuild»да иштирок этаётган бир қанча таниқли фирма ва ком-паниялар орасида қурилиш материалла-ри, бўёқлар, донали паркет, елимлар, сайқаллаш машиналари, плитуслар каби маҳсулотлар ишлаб чиқараётган «Alubond composite material», «Cold industry», «Decolor uz», «Enjoy» ва бошқа корхона-лар бор.

«Aqua-Therm Tashkent» кўргазмасидан кенг турдаги иситиш ва ҳаво алмашти-риш маҳсулотлари ўрин олган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбе-кистон 2020 йилгача сув таъминоти ти-зимини ривожлантириш ва модернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш-га 1,98 миллиард, оқова сув лойиҳала-рига 780 миллион доллар йўналтиради. Шу маблаглар ҳисобидан ресурс тежов-чи технологияларни жорий этиш, сув ин-шооти объектларидан фойдаланиш ти-зимини тубдан яхшилаш режалаштирил-моқда. Буларнинг амалга оширилиши 2020 йилга бориб шаҳарлар аҳолиси-нинг 98 фоизи, қишлоқлар аҳолининг эса 85 фоизига марказлаштирилган тарзда сифатли сув етказиб бериш имконини беради.

Мебель ва ишлаб чиқариш техноло-гиялари – «MebelExpo Uzbekistan» кўргаз-масида кўплаб мебель ишлаб чиқарув-чилар, жумладан, «TUS buero» қўшма кор-хонаси ўз маҳсулотларини намойиш эт-моқда. Кўргазма бу каби корхоналарга янги ҳамкорлар топиш, тажриба алма-шиш, тажжорат нуктаи назаридан ҳам, обрў-эътибор орттириш тарафидан ҳам гоят фойдали ва самарали бўлаётир.

Кўргазмалар 1 мартга қадар давом этади.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислам Исмоилов олган сурат

инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимиз минтақаларида кўрсатиладиган туристик хизматлар сифатини ошириш борасида изчил иш олиб борил-моқда.

Туризм аҳоли бандлигини таъминлаш ва минтақа-лар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим манба-га айланмоқда. Ҳозирги вақтда республика-мизда 865 туристик ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилда саёҳатчилар сонининг ўсиши 2011 йилга нисбатан 17,5 фоизга, чет эллик туристларга хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар 15 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, депутатлар ўтказган назорат-таҳ-лил ишларининг якунларига кўра, туризм соҳасини яна-да ривожлантириш бўйича бир қатор фойдаланилма-ган имкониятлар аниқланди. Чунончи, саёҳатчилар оқимининг асосий қисми ҳамон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига тўғри келмоқда. Мамлакатимизнинг бир қатор истиқболли минтақаларида инфратузилма-ни изчил ривожлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Туризмнинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш туризми каби турларини ри-вожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарур. Кўрсатилаётган сервис хизматларининг сифа-тини, саёҳатчиларни жалб этишнинг замонавий сама-рали шакл ва усулларидан фойдаланишни, миллий ту-ристик индустрияга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги ишларни ҳам яхшилаш лозим.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода «Мамлакатимиз тараққи-ётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-лари депутатларининг ҳудудий муаммо-ларни ҳал қилишдаги роли» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

● Урганч шаҳрида бўлиб ўтган тад-биркор аёллар бизнес-форумида бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш хусусида атрофлича фикр юритилди. Вилоятдан келган барча тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган мазкур тадбир «Тадбиркор аёл» уюшмаси ва ви-лоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Фарғона шаҳрида «Глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлиги: ин-формацион таҳдид ва мафкуравий им-мунитет масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекис-тон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, Фарғона давлат университети ва Фар-ғона политехника институти ҳамкорли-гида ташкил этилган мазкур тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари-нинг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Сирдарё вилояти мудофаа ишла-ри бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган йиғитларни ҳарбий хизматга ку-затиш маросимида маҳаллий ҳокими-ят, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақири-лувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Навоий вилоятида ёш томошабин-лар учун театр ҳафталиги ўтказилмоқ-да. Обод турмуш йилига бағишланган мазкур тадбир давомида Республика ёш томошабинлар театри ижодий жа-моаси вилоятнинг туман ва шаҳарла-рида бўлиб, «Тузок», «Менинг дадам – пахлавон» каби спектакллари билан бо-лажонларга завқ-шавқ бахш этмоқда.

ЖАҲОНДА

● Европада молиявий-иқтисодий ин-кироз 2014 йилга қадар давом этиши мумкин. Еврокомиссия таҳлиллари шун-дай хулоса чиқаришга асос бўлмоқда. Бироқ ташкилотнинг молиявий сиёсат бўйича комиссари қитъа мамлакатла-рини бундан асло тушқунликка тушмас-ликка чақириб, имкон доирасида бюд-жет тақчиллигини камайтириш чорала-рини кўришга даъват этди.

● Греция пойтахтида кучли ёмғир боис сув тошқинлари рўй берди. Ша-ҳар ўт ўчириш бўлими маълумотларига кўра, бир кунда бўлимга қарийб 900 та чақирув келиб тушган. Афинада бундай кучли ёғингарчилик сўнгги бор 1961 йилда қайд этилган эди.

● 101 ёшни қаршилаган жаҳоннинг энг кекса марафончиси, асли келиб чи-қиши ҳиндистонлик бўлган Буюк Бри-тания фуқароси Фауза Сингх ўз фао-лиятини якунлади. У Гонконг марафо-ни доирасидан ўрин олган 10 километ-рлик масофани 1 соати 32 дақиқа 28 сонияда босиб ўтди. Сингхнинг фао-лияти хусусида шунга айтиш жоизки, марафон билан 89 ёшида қизиқиб қол-ган ушбу фахрий спортчи Афина -2004 ва Лондон-2012 ўйинларида Олимпиа-да машъаласини етказишда фаол иш-тирок этган.

● Мисрининг Луксор шаҳрида 20 на-фар сайёҳни олиб кетаётган ҳаво шари кулаб тушди. Кўнгилсизлик оқибатида 19 нафар сайёҳ ҳаётдан кўз юмди. Ҳаво шарида 300 метр баландликда ёнгин содир бўлиши ва портлаши натижаси-да ҳалок бўлган туристлар Франция, Буюк Британия, Япония ва Хитой мам-лакатларининг фуқароси экани маълум қилинди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Республика Болалар кутубхонасида болалар шоири, мо-ҳир таржимон Абдурахмон Акбар

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла – кенг аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этадиган ўзини ўзи бошқариш тизимининг халқимизга хос ноёб тузилмаси эканлиги яхши маълум. Президентимиз Ислон Каримов таърифи билан айтганда, у том маънода «она юрт рамзи» ва «халқ виждони»га, «таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси» ва «ҳақиқий демократия дарсхонаси»га айланган.

«Маҳалла» тушунчаси мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритилиб, унинг конституциявий мақоми белгилаб қўйилган. Маҳаллага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан иккита – «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Ватанимизда маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар – дўстона ва ахил-иноқ қўшничилик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Хозирги вақтда юртимизда 9773 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил ҳаёtgа татбиқ этилаётганлиги илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга 30 дан ортиқ вазифанинг бевосита маҳаллалар томонидан бажарилаётганлигида ўз ифодасини топомқда.

Мамлакатда аҳолини, айниқса унинг эҳтиёжманд қисмини маҳалла институти орқали ижтимоий химоя қилишнинг бетакорор тизими ҳаёт синовидан ўтди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали ижтимоий адолат тамойилига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, буғунги кунда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ақин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакат Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 27 январь ва 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисларидаги маърузаларида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш масаласини кўйди. Бунинг боиси шундаки, маҳаллалар аҳолига энг ақин турган аънавий демократик бошқарув тизимидир, шунинг учун уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини изчиллик билан босқичма-босқич кенгайтирилмоқда, бошқарув тизимидаги ўрни ва роли кучайтирилмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да амалдаги қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичиндан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинган эди.

Маълумки, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган. Шундан сўнг ушбу қонун асосида уч маротаба оқсоқоллар сайловлари ўтказилди. Навбатдаги сайловлар 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган.

Мазкур Қонунни такомиллаштириш бўйича кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш мақсадида таҳлилий-назорат тартибиде учта: Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлар кесимида ўрганилиб чиқилди. Айни пайтда ушбу масала бўйича халқаро ва республика конференциялари, семинарлари, давра суҳбатлари, жамоатчилик эшитувлари ўтказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур Қонунга қуйидаги асосий қўшимча ва янгилликларни киритиш тавсия этилган:

Биринчи янгиллик, амалдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принципларига муқобиллик сайлов принциплари киритиш.

Иккинчи янгиллик, сайловларни эълон қилувчи субъект ва муддатлари аниқланган. Хусусан, Лойиҳанинг 8-моддасига кўра, сайловларни ўтказиш муддатлари уларнинг бошланишидан кечи билан икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Учинчи янгиллик, лойиҳага янги 9-модда киритилган ва унда Сенат Кенгаши қошида тузиладиган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиянинг мақоми ва вазифалари аниқ белгиланган. Бунда қуйидагилар кўзда тутилган:

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказишни қонун ҳужжатларига, очик ва ошкоралик демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини самарали тарзда мувофиқлаштириб бориш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ишидаги тобора ортиб бораётган роли билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

– фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш қандай бораётганлигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

– аҳолини кўпроқ ўйлантираётган, сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказиш асосида фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий, уй-joy ва маиший ҳамда бошқа соҳадаги масалаларни аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– сайлов аяқлари тўғрисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари томонидан тақдим этилган ахборотларни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига тезкорлик билан етказиш.

Тўртинчи янгиллик, амалдаги Қонуннинг 10-моддасига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияларни тузиш ва улар фаолиятида ҳолисликни яна-

да кучайтиришга қаратилган янги талаб киритилган. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар нафақат комиссияга аъзо шахслардан, балки уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган бўлса, бундайлар комиссия таркибидан чиқарилади. Яна бир янгиллик – эндиликда қўмаклашувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бешинчи янгиллик, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига, қоида тарикасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан бир қаторда эндиликда тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари билан бир қаторда, эндиликда фуқаролар йиғинининг бошқа ходимлари ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига бўлган номзодларнинг яқин қариндошлари ҳам ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмас.

Олтинчи янгиллик, Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган ишчи гуруҳининг ваколатлари кенгайтирилган. Яъни эндиликда ишчи гуруҳи:

– фуқароларнинг вакиллари сайлови бўйича ҳовлялар, уй-joyлар ва кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишини ташкил қилади ва ўтказиш;

– аҳоли умумий йиғилишининг барча иштирокчиларини рўйхатга олади ва сайланган фуқароларнинг вакиллари ҳақида маълумот кўрсатиладиган баённома тузади;

– тегишли комиссияга тақдим қилиш учун тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлайди.

Еттинчи янгиллик, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунда ишчи гуруҳи томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар тайёрланади ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камидан ўн кун олдин топширилади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзоднинг ўз номзодини кўрсатишига розилиги ҳақидаги аризаси илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими тақдим қилинган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва кейинчалик ишчи гуруҳларига топшириш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзод бўйича асосланган қарорларни тегишли комиссияларга юборади.

Ишчи гуруҳи туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорини олганидан сўнг сайловдан камидан беш кун олдин келишилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзод ҳақидаги маълумот фуқаролар йиғини ва гузарлар биносиде осиб қўйилади.

Саккизинчи янгиллик, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талабларга аниқлик киритилган. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тарикасида, олий маълумотли бўлиши, сайловгача камиде беш йил тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида доимий яшаб турган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёҳуд ҳўжалик

ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тўғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳўкми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Тўққизинчи янгиллик, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳи томонидан тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда таклиф қилинади. Амалдаги Қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилиши белгиланган.

Ўнинчи янгиллик, эндиликда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун фуқаролар йиғинини (вакиллар йиғилишини) қақриш нормасини тегишли комиссия белгиллаши таклиф қилинган. Аввалги сайловларда вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгиларди.

Ўн биринчи янгиллик, 19-моддада қуйидаги ўзгаришлар қилиш мўлжалланган: «Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)нинг ўтказилиш тартиби.

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ишчи гуруҳининг раҳбари раислиги остиде ўтказилади.

Кун тартибига, қоида тарикасида қуйидаги масалалар киритилади:

– санок комиссиясини сайлаш;

– Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)даги раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларни эълон қилади ва уларнинг ҳар бирига сўз беради.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари алифбо тартибиде ўтказилиб, уларда номзодлар келажакдаги ўз фаолиятининг дастурини мажбурий тартибиде эълон қилади».

Ўн иккинчи янгиллик, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларни эълон қилади ва номзод учун овоз беришни таклиф қилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганлигида фуқаролар йиғини иштирокчиларига санок комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади. Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлар бўйича овоз бериш ўтказилгандан сўнг, раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодларни алифбо тартибиде эълон қилади ва номзод учун овоз беришни таклиф қилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенларини тарқатиш бевосита овоз беришдан олдин бошланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёҳуд хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи ёқлаб овоз бераётган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўрсатилган номзоднинг бюллетендаги фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги — крестик қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган овоз бериш бюллетенини сайлов кўтисига ташлайди. Сайлов кўтилари овоз бериш тўғалгандан кейин санок комиссияси томонидан очилади. Бюллетенларнинг намуналари ва шакллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Ўн учинчи янгиллик, овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади. Ҳозиргача фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланган.

Ўн тўртинчи янгиллик, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) бир ой ичиде фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини сайлайди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга киритилиши таклиф этилаётган қўшимча ва ўзгаришлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилган.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Демократик институтлар, нодавлат
ташкилотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг
раиси

ДЕПУТАТЛАР ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИНИ ЎТКАЗДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўз қишлоқларида депутатлар ички туризмини, шу жумладан ёшлар туризминини ташкил этиш ва ривожлантириш, чунончи, мактаблар, коллежлар ҳамда лицейлар ўқувчиларининг саёҳат йўналишлари дастурларини гоёвий, мазмунан бойитиш, ўзбек халқининг маданий мерос объектлари тарихи ва аҳамиятини тушунтирувчи материалларни тайёрлаш бўйича ишларни қучайтириш зарурлиги тўғрисидаги масалаларни кўтардилар.

Шу тўғрисида ҳам депутатлар туризм соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларининг қоидаларини янада такомиллаштириш зарурлигини, жумладан, 1999 йилда қабул қилинган «Туризм тўғрисида»ги қонунга халқаро ва миллий туристик бозорда, халқаро ҳуқуқни тартибга солиш соҳасида юз берган сифат ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, ўзгаришлар киритиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳозирги вақтда туристик фаолият жуда кўплаб ҳавола этувчи нормалардан иборат бўлган мазкур қонундан ташқари, тизимлаштириш ва кодификация қилишни талаб қилувчи 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Депутатларнинг фикрига кўра, туризм соҳасидаги ягона давлат сисъати асосларини ишлаб чиқиш, бу соҳага чет эл кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш, шунингдек, Туризмни янада ривожлантиришнинг узок муддатли Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мамлакатимизнинг туристик индустрияси рақобатдошлигини оширишга қўмаклашган бўлар эди. Мазкур Давлат дастурида туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, туристик маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, фуқароларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш ҳамда ёшларда ўз Ватанидан фахрланиш, миллий тарихимиз, маданиятимиз ва халқ аънавларига қўқур ҳурмат тўғриси шакллантиришга оид ишларда туристик фаолият салоҳиятидан фойдаланиш борасида кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, туризмни ривожлантиришга оид минтақавий дастурларни сифатли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда жойларда тегишли инфратузилмани шакллантиришни таъминлаш, туризм соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда он-лайн бронлаштириш, ахборот маълумотнома, саёҳатчиларни ахборотлардан хабардор қилиш миллий тизимларини яратиш борасида қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилди.

Депутатлар туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими самарадорлигини ошириш зарурлигини, бу соҳадаги кадрлар замонавий менежмент, маъмурий-тихорат ишбилармонлиги усулларидан хабардор бўлиши, шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кўни, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар ҳақидаги ишончли ахборотни чет эллик ҳамда Ватанимиздаги саёҳатчиларга тўлиқ етказе олиш қўниқмаларига эга бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Парламент эшитуви аяқларига кўра, депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарорини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ САНЪАТИ КИЕВДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Маълумки, ўз илдиэлари билан кўҳна тарихга бориб туташадиган ёғоч ўймакорлиги санъати Ўзбекистон бадий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбек аънаваный меъморчилигида ҳамда халқимизнинг қўндалик ҳаётида ёғоч ўймакорлиги қадим-қадимдан машҳур бўлиб келган. Шаҳарсозликда ёғоч ўймакорлиги устўн, пештоқ, эшик, тоқча ва панжара каби меъморчилик намуналарининг мўҳим бўлага сифатида қўлланилади. Ундан юртимизда нафақат иморатсозликда, балки уй жиҳозлари ясашда ҳам кенг қўлланилади.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги дипломатия ваколатхонасида ташкил этилган кўргазма ана шу мавзуга бағишланди. Мазкур тадбир чоғида Киев шаҳри аҳолиси мамлакатимиз ёғоч ўймакорлигининг қўл асрик аънавалари ва нақш санъатининг ранг-баранглиги билан аяқдан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Кўргазмада айвон, хонтахта, ўйма эшик, сўри сингари ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари ва бошқа кўплаб меъморчилик намуналари намойиш қилинди. Ўзбек усталари томонидан Украина қайрағочи ва эман ёғочидан тайёрланган турли бўюмлар ҳам кўргазма пештакларидан жой олди.

Кўргазманинг очилиш маросимиде машҳур санъатшунослар, Украина ижтимоий-сиёсий марказлари, Архитектура ва қурилиш институти вакиллари, «Брус Майерс», «АНТ Украина» сингари ёғочни қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Фаргона вилояти Фўркат туманидан келган халқ устаси Махамматали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлигининг тарихи ҳақида тадбирнинг қўл сонли иштирокчиларига сўзлаб берди. У, жумладан, Фаргона услубига хос бўлган, ўймакор усталар томонидан қўлланиладиган ёғочга ишлов беришнинг текис-рельефли махсус йўли - паргори усули ҳақида атрофчила тўхталди. Шу билан бирга, уста айлана ва чизик ёрдамида доира, тўртбўчак, унбўрчаклардан иборат нозик нақш жойлаштириладиган геометрик турни чизгани ҳолда аниқ нафис тасвирлар қай тариха ҳосил қилинишини амалда кўрсатиб берди. Шу тариха кўргазма меҳмонлари ёғочнинг миллий намуналарга айланиши ва унга «иккинчи ҳаёт»нинг бахш этилиши жараёни билан аяқдан танишдилар.

Кўргазма чоғида кўплаб украиналик санъатшунослар ҳам эътироф этишганидек, Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг қадимий турларидан бири бўлган ёғоч ўймакорлиги бугунги кўнда янгича мазмун ва йўналиш касб этмоқда. Моҳир усталар ўтмишда эришилган санъатнинг энг яхши ютуқларини сақлаб қолишгани ҳолда уларни янги тажрибалар билан бойитмоқдалар.

«Жаҳон» АА
Киёв

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунга асосан иқтисодий ҳаётда ҳўжалик фаолиятининг оилавий қорхоналар шаклидаги ҳалқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-ҳуқуқий шакли жорий этилди. Уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва қафолатлар берилди. Бунинг натижасида қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизда 600 дан ортиқ шундай қорхона ташкил этилди.

Давлат дастурида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун жами 269,6 миллиард сўм ҳажмида, яъни 2012 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 110,1 миллиард сўмлик кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қорамоллар сотиб олиш учун 106 миллиард сўм ажратилади. Коллеж ва лицейларнинг 15 минг нафардан ортиқ битирувчиси ўз бизнесини йўлга қўйиш учун жами 53,5 миллиард сўмлик кредитларга эга бўлади.

Хўжалик саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазира сифатида белгиланган. Бу дастурлар ҳудуд-

дачиллик ҳўжалиги ва 500 асалари оиласи, ҳар бир ҳудудда камида 30-40 балиқчилик ҳўжалиги, «Ўзпах-тасаноат» уюшмаси қорхоналарида ипак қўртини боқиш учун камида 10-15 ипакчилик комплексларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ўшбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилга қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини, жумладан, сўт, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги қорхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада ўтказиладиган саноат ярмаркаси, инновацион гўялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари, бошқа биржа ҳамда ярмарка савдоларида тадбиркорлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиши мумкин. Навоий машинасозлик заводи, «Технолог» акциядорлик жамияти, «ПГС» хусусий қорхонаси ва бошқа қорхоналарда шундай технология ҳамда ускуналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ТЕАТРЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ
САФАРИ

Шаҳримизда Қорақалпоғистон Республикасининг Бердақ номидаги давлат мусиқали театри жамоасининг гастроллари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда театршунослар, шоир ва ёзувчилар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёшлар ва санъат аҳли иштирок этмоқда.

Маданий тадбирнинг очирилишида сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Қ.Турдиев, Ўзбекистон Миллий академик драма театри директори М.Исмилов ва бошқалар Ўртбошимиз раҳнамолигида ёшларнинг маънавий дунёси-

ри халқимизни театр санъати ютуқлари, бугунги ижодий жараёнлар, энг яхши ва сара спектакллардан баҳраманд этишга ҳисса қўшади.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусиқали театрининг шаҳримизга ижодий сафари ҳам ана шундай эзгу ишларнинг ифодасидир. Уч кун давом этган гастроллар мобайнида қорақалпоқ театри аъзолари ўз ижод намуналарини Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрлари сахналарида намойиш этдилар.

— Ўртбошимизнинг маънавият ва маърифат, театрлар ривожига



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ни янада бойитиш, теран фикрли етуқ шакллар қилиб вояга етказишнинг асосий воситалари сифатида театр соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Ижодий жамоалар учун зарур шартлолларни яратиш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган театр биноларини барпо этиш, мавжудларини тубдан таъмирлаш, томошабинларга мазмунли спектаклларни тақдим этиш йўлидаги кенг қўламли ишлар сифатини янада ошириш йўлидаги савй-ҳаракатлар борисида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилди.

Дарҳақиқат, Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг маданий хордиқ чиқариши учун зарур шартлолларни яратиш, ёшларнинг маънавий дунёсини янада юксалтириш, турли ёт ғоялардан асрашга оид ишлар қўламини тобора кенгайтириш.

Шаҳримиз театр жамоаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб ўтказилаётган гастролла-

қаратаётган эътиборини фаолиятимиз давомида доимий равишда ҳис этиб бормоқдамиз, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри режиссёри Жалағасой Султобоев. — Гастроль сафаримиз учун миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, ёшлар ҳаёти, уларнинг ёрқин ва беғубор орзу-умидлари, изланиш ва интилишлари, халқ ижодиётининг ноёб намуналари уйғулганган спектакллар саралаб олинган. Зеро, ўшбу сахна асарлари нафақат ёшларимизни, балки барча юртдошларимизни эзгуликка қорлайди ва яхшиликнинг умидли йўлига ҳизмат қилади, деган ниятдамиз.

Ижодий сафар Ўзбек Миллий академик драма театрида «Интиланганга толе ёр» мусиқий спектакли намойиши билан бошланди.

Гастроллар давомида «Алло-миш», «Келин» деб номланган мусиқали спектакллар ҳам намойиш қилинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ —
ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА
ЮКСАЛТИРИШДИР

лардаги қорхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, уларни Маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга янада кенг жалб этиш, ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш, буш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, фойдаланилмаётган бино ва иншоотларни тадбиркорлик субъектларига узок муддатга ижарага беришга йўналтирилган.

Корпоратив харидлар тизими кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг муҳим шаклидир. 2013 йилда тизимга жалб этилган соҳа субъектлари сонини 1,3 баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хусусан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 2086 йирик қорхонада корпоратив харидлар механизмининг жорий этиш ва харидлар умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

Бундан ташқари, саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларида имзоланган шартномаларга мувофиқ 850 кичик ишлаб чиқариш қорхонаси маҳсулотларини сотиш кўзда тутилган бўлиб, бу кичик қорхоналар маҳсулотларини шундай шартномаларга асосан сотиш ҳажмларини 2012 йилдагига нисбатан 36 фоизга кўпайтириш имконини беради.

Қишлоқ ҳўжалигида кичик бизнесни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракати самардорлигини ошириш, боғдорчиликка илгор технологияларни жорий этиш қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадлари ўсишида муҳим ўрин тутди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида тижорат банклари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасига кредит ажратишни кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш, ўзумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчиликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг гектар майдонда тоқзорлар яратиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 миллиард сўм йўналтирилади. Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш учун эса 345,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир қишлоқ туманида 10 мингта парранда парваришланадиган камида ўнта янги парран-

Президентимиз Ислам Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни жадал амалга ошириш заруриятини алоҳида таъкидлаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Ахборот технологиялари қорхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация томонидан IT-компанияларга бегараз асосда уларнинг электрон бошқарув соҳасидаги товар ва хизматларини таъкиф этиш имкониятларини янада кенгайтирадиган, мақсадили илмий тадқиқотларни амалга оширадиган Электрон бошқарув бўйича компетенция маркази ташкил этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида G2G (давлат органларининг ўзаро), G2B (давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари билан) ва G2C (давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар билан) ҳамкорлик йўналишлари бўйича «Электрон ҳўкумат» тизимини жадал шакллантириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида интернет тармоғида «Бир дарча» режимида фаолият юритадиган Интерфаол давлат хизматлари ягона порталини яратиш кўзда тутилган. Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхат ва ҳисобга олиш, лицензия ҳамда рухсатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш бўйича интерфаол хизматлар жорий этилади. Шунингдек, 2013 йилда FTTx технологияси бўйича кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг интерфаол хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

2013 йилда жойларда иқтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазкур муҳим бўлимида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизни янада жадал ривожлантириш, Ўзбекистонда ҳар бир одам, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

(ЎЗА)

Маълумки, одам савдоси ер юзи бўйлаб кўплаб давлатларда амалга оширилади. Одам савдоси жинояти трансналлий характерга эга экани боис, унинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва айбдорларни жазолаш учун барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж сезилмоқда.

XIX асрда одам савдоси «оқ қўллик» деб аталган. 1904 йилда Парижда 12 мамлакат «оқ қўллик»га қарши биринчи конвенцияни имзолади. 1949 йилда БМТ томонидан одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликка қарши кураш тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши олдинги барча ҳужжатларнинг ўрнини қоплади. 2000 йил Палермо Протоколи асосида «одам савдоси» муаммосига бутун дунё эътибори қаратилди.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик «даромад» миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган.

Одам савдоси амалга оширилганда масалан, хотин-қизлар учун уй хизматкорлиги, ошпазлик, болалар қаровчиси, котибалик, офицантчилик, стоардессалик каби ишлар тақлиф қилинади. Юқори маош ва қўлай иш шартлоллари тўғрисида ёлғон маълумотлар берилади. Ўшбу тақлифларга қўнган хотин-қизлар эса тезлик билан ўзларни ҳақидаги маълумотларни «иш бериувчилар»га тақдим этадилар. Ўз навбатида эса «иш бериувчилар» ҳам уларга йўл ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда, баъзан йил чипталарини олишда ҳам «беминнат» ёрдам берадилар. Чет мамлакатга олиб чиқиб кетилаётган қизлар одатда ўз ёшларини яширган ҳолда туғилганлик тўғрисидаги ғувоҳномаларни билан олиб кетилади. Баъзи ҳолларда эса уларни шу ернинг ўзида сохта никоҳдан ўтказишди. Бундай «қора бизнес» билан шуғулланадиган тузилмалар икки бўлини бўлади, яъни, маълум бир одамлар «товар»ларини излаб топиш ва етказиш билан шуғулланадилар. Бошқалари эса бевосита уларни реализация қилиш билан машғул бўлишди. Хорижага алдаб олиб чиқилган ва фоҳишабозлик билан шуғулланувчиларнинг 3/4 қисmini 30 ёшгача бўлган аёллар ташкил этади. Сўнгги йилларда бу «касб» билан шуғулланувчилар орасида 13-14 ёшдаги ўсмир қизлар ҳам учрамоқда.

Одатда ўсмирлар ва болалар шафқатсиз шартлолларда, фақат озиқ - овқат учунгина суткасида 14 соатлаб ишлаши керак бўлган турли ферма ва заводларга сотилмоқда. Европол мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, сўнгги йилларга келиб одам савдоси бизнесидан қўрилаётган йиллик фойда миқдори ҳатто наркотик моддалар савдосидан ҳам кўпроқдир. Бундай катта миқдордаги маблағнинг салмоқли қисми халқаро терроризмнинг иқтисодий асоси вазифасини ўтаётгани бугун қўпчиликка сир эмас.

Қўпича инсонлар траффики бўйича жиноий гуруҳлар билан террорчилик ташкилотлари алоқалари шу қадам чўқурлашиб кетганки, бир жиноятдан иккинчисини ажратиб

олиш ҳам қийин кечади. Яъни улар ҳам, булар ҳам бир транспортдан, коммуникация тизимидан фойдаланишди, бир хил сохта ҳужжатларни ишлатишди. Ақсарият ҳолларда айнан халқаро алоқаларни мустаҳкам изга тушириб олган одам савдогарлари террорчиларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтиб олишлари учун чегараларда «яшил йўлак»лар яратиб берадилар. Учта жуда муҳим омил «кўр кўрчи қоронғида топиши учун» хизмат қилган: халқаро уюшган жиноятчиликнинг кучайиши, транзит мамлакатларидаги иммиграция назоратининг заифлиги ва бу мамлакатларда мавжуд бўлган коррупция.

ОДАМ САВДОСИ —
ГЛОБАЛ ХАВФ

Бугунги кунга келиб барча Европа давлатларига ҳамда АҚШ, Канада, Лотин Америкасига йиғирма биринчи аср қўлларини етказиб бериувчи ҳамда очикдан-очик террорчилик ҳаракати олиб бориувчи шафқатсиз албан гуруҳлари маълум. Террорчилар ўз фаолиятларини эмин-эркин амалга ошириш учун банклар, фирмалар, турли муассасалар ва хайрия ташкилотларидан иборат бутун бошли тизим барпо этишган.

Америка махфий хизмати ходимлари эса 2002 йилдаёқ АҚШ ҳудудида фоҳишаликка ва қўлликка сотилган «товар»дан тушган фойданинг бир қисmini Яқин Шарқдаги радикал гуруҳлар олиб туришганини исботлаб беришганди.

Мана шу ва бошқа кўплаб далиллар бугунги кунда одам савдосидан тушаётган даромад террорчилик гуруҳларининг асосий молиявий манбаи бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Reuters агентлиги хабарига кўра, италиялик мутахассислар ҳар йили Европада ноконуний тарзда ўрта ҳисобда 500 минг киши кириб келишини аниқлашган. Бу одамларнинг ҳар бири ўзларни чегарадан олиб ўтган ташкилотга 4 минг доллардан тўлади. Шундай қилиб, фақат мана шу операциянинг ўзидан террорчилик ташкилоти йилга камида 2 миллиард доллар маблағ топади.

Европа Иттифоқи мутахассислари олиб борган тадқиқотларга қараганда, кейинги ўн йил мобайнида одам савдогарлари ҳамда террорчилик ташкилотлари томонидан инсонларни ва айниқса аёлларни муайян давлатлар чегараларидан ноконуний олиб ўтишлар тўрт баробаргача ошган.

Ноконуний муҳожириликдан эса жиноий яқунга қадам бир қадам. Айнан нолегал муҳожирлар жой ва иш топиш бора-

сида муаммоларга дуч келадилар. Натижада улар этник ва уюшган террорчилик гуруҳлари аъзоларига айланадилар. Айнан шундай ҳуқуқсиз «қўллар» сафидан «шаҳидлар» тайёрланади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, одам савдоси ва терроризм балоси алоҳида олинган давлат ёки минтақанинг муаммоси эмас. Булар бутун сайёрамиз учун улкан хавфлардир. Демак глобализация, интеграция жараёнлари бениҳоя қўнғайган ҳозирги даврда бу хавфларга қарши кураш олиб боришда жаҳон ҳам-жамияти бирлашиши лозим. Зеро, бугун одам савдосини ўз измига ола бошлаган халқаро терроризм эртага кутуриб, ноконуний қўрол-яроғ, наркотик моддалар савдосига ҳам аралашishi ва бу соҳаларда ҳам ўз шарт-қоидаларини ўрнатishi эҳтимолдан холи эмас. Демак дунё мамлакатлари терроризмини молиялаштиришни бас қилиш ҳаракатида экан, одам савдоси соҳасини асло унутмаслиги ҳоиз. Бинобарин, одам савдоси жинояти ўз хавф қўламига кўра экологик, демографик хатарлардан, эпидемиялардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди.

Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция, Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протоколлар мамлакатимизда ратификация қилинган.

Одам савдосига қарши кураш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг Миллий режаси, Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро комиссиясининг Низоми ҳамда Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро Республика комиссияси тарихи тасдиқланди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, хусусан, одам савдосига қарши курашишга доир 29 та шартнома ва келишув имзоланди.

Тошўлат МАТИБЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
социология фанлари номзоди

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Диний экстремизм ва терроризм тинчлик ва тараққиёт душмани» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, диний му-таассибликнинг жаҳон ҳамжамияти учун туғдираётган таҳдидлари, шунингдек, минтақамизда диний экстремизм ва терроризм намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳамда талаба-ёшларнинг соғлом мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг огоҳлик ва ҳушёрликларини кучайтиришдан иборат.

Давра суҳбати давомида сўз олган Республика Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Нуримон Абдулҳасан дин кишиларни ҳамisha яхшиликка, эзгу ишларга қорлаши, мустақил Ўзбекистон ша-роитида виждон эркинлигининг конституциявий асосда тўла-тўқис таъминланганлиги ҳамда диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Лекин шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимизнинг бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарига мутолақ зид бўлган диний экстремизмнинг ғовий илдизларини чуқур тушуниб етиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш замон талабларига айланиб бормоқда. Фарзанд туғилиши ота-онага жуда кат-

Ўқув муассасаларида

ДОЛЗАРБ
МАВЗУДАГИ ДАВРА
СУҲБАТИ

та масъулият юклайди, чунки фарзанднинг кела-жақда ким, қандай инсон бўлиб вояга етиши ҳар жиҳатдан тарбияга боғлиқ. Ота-она фарзандининг ким билан дўстлашганига қизиқмас экан, бу жамият учун катта фожеадир. Ўргинчак тўри каби хатарли ғоялар, ёт мафкуралар ёшларнинг, ҳатто болаларнинг онгини заҳарлаб, уларни тўғри йўлдан оздиришга уринаётганлиги, бундан ташқари худ-қўшлик ҳақида мутахассис мисоллар орқали тушунтириб ўтди.

Ўтказилаётган давра суҳбати ёшлар ўртасида ва-танпарварлик туйғусини кучайтириш, муқаддас тариҳимиз, динимиз, анъаналаримизни чуқур ҳурмат қилиш ҳамда ёт ғояларга нисбатан огоҳлик ва ҳушёрлиқни оширишга ҳизмат қилади, албатта.

— Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик йилларида таълим тизимига бўлган эътибор, ёшларнинг жисмоний соғлиғига, маънавий етуқлигига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди, — дейди Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ўқитувчиси Дилфуза Нодирова. — Бинобарин, талаба-ёшларнинг маданиятини юксалтириш, уларнинг тарихимизга, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга ва бугунги кундаги сиёсий воқеаларга, жамиятимизда ёки жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга бўлган муносабатларини тўғри шакллантириш мақсадида бугун маънавият кўни ташкил этилди. Унинг доирасида кўплаб тадбирлар ташкиллаштирдик.

— Ўшбу давра суҳбатида ёшлар онгига бунёдкорлик ғояларини синдириш ва келажақ авлодларни диний ақидаларастлик, экстремизм ва терроризм каби оқимларга кириб кетишдан асраш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтилди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Темир йўл муҳандислари институти талабаси Носир Али. — Ўйлайманки, бу тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди. Ёшларни бундай муҳим йўналишларга кириб қолишдан асраш барчамизнинг бурчимиздир. Юксак билимли, юқори малакали авлод, бу аввало юқори касб маҳоратига эга бўлган ёшлар ҳисобланади. Биз ёшлар интеллектуал аср бўлган янги даврда халқимизга фаровон ҳаёт йўлида, ҳизмат қилиб ашайдиган авлод бўлиб етишишимиз ва ҳаётда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллаш учун астойдил интилишимиз керак. Ватан учун жонини беришга ва уни кўз қорачиқдек асрашга, турли офатлардан ҳимоя қилишга тайёр инсон доимо халқ ардоғида бўлади.

Давра суҳбати сўнггида талаба-ёшлар ўзларини қизқитириган саволларга жавоб олишди.

Хадича ЙЎЛЧИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


Ҳурматли мижозлар!
«Ўзбектелеком» АК
«ТШТ» филиали қўйидагиларни
маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси 2013 йил 1 мартдаги РН 45-209.2008 раҳбарий ҳужжатига қўйидаги ўзгаришларни киритилди:

«Қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолига қўрсатиладиган телекоммуникация универсал хизматларига тарифларни кўплас тартиби тўғрисида кўрсатмалар

Ўзбекистон Давлат санъат музейида капалакларнинг экзотик турлари кўргазмасы очилди.

Мазкур «жонли» кўргазма экспонатлари кўргазма зали бўйлаб бемалол учиб, ташриф буюрганларнинг устига қўниб юрибди. Бу капалаклар бутун дунёдан келтирилган. Кўргазмада Перу, Филиппин, Ҳиндистон, Малайзия, Хитой, Жанубий ва Шимолий Америкадан келтирилган ҳашаротларнинг ноёб турлари намойиш этилмоқда.



ЖОНЛИ КЎРГАЗМА

Кўргазма ташкилотчиларининг айтишича, бу ерда ҳозирча капалакларнинг 6 тури намойиш этилмоқда. Кейинчалик, кўргазмага яна 15-20 турдаги экзотик капалаклар, шу жумладан қаноти ёзилганда узунлиги 25 сантиметргача етадиган Attacus Atlas капалаги келтирилади.

Мутахассислар кўргазмага келадиганларга ёрқинроқ рангдаги кийим кийишни маслаҳат берадилар. Чунки капалаклар бундай кийимга қўнишни хуш кўради. Кўргазмада болалар учун бу гўзал

мавжудотларнинг хусусиятлари ва ҳаёт тарзи ҳақида кенг маълумот берилмоқда.

Кўргазма залида махсус иқлим шароити яратилган: ҳаво ҳарорати 28 даража иссиқ, намлик баланд. Ботаника боғи вакиллари билан у ерда тропик ўсимликлар павильонини яратиш имкониятлари тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Ушанда капалакларни табиий муҳитда кўпайтириш мумкин бўлади.

Кўргазма иштирокчилари бу ноёб мавжудотлар-

нинг гўзаллигидан лол қолиб, уларни суратга туширишга, яқинроқ томоша қилиш учун ўзига жалб этишга ҳаракат қилмоқда.

Бу нафис ҳашаротларнинг ранг-баранглиги, шакл ва катталиқ жиҳатдан хилма-хиллиги кўзни қувонтиради. Кўргазма ташкилотчиларининг айтишича, келажакда бу ерда икки юзга яқин турдаги капалаклар намойиш этилади.

СУРАТЛАРДА: капалакларнинг турлари ва кўргазмадан лавҳалар.

Отабек МИРСОАТОВ,
Ўза мухбири
Муаллиф олган суратлар

Спорт янгиликлари

Пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерациясининг 2012 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти М.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор баркамол авлодни, маҳоратли футболчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2012 йил ўзбек футболлари учун улкан ғалабаларга бой бўлди. Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритди. 20 ёшгача бўлган футболчиларимиз қитъа бичирилишида кучли тўртлиқдан жой олиб, жаҳон чемпионатида чиқди. Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони унвонига эришди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк марта Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясига «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини топширилгани мамлакатимиз футболни ривожининг халқаро миқёсдаги яна бир юксак эътирофи бўлди.

Жаҳон миқёсидаги бундай улкан ютуқлар Президентимиз раҳнамолигида футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар самарасидир. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган

«Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари бунёд этиш, фут-

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

бол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилиб, мавжудлар реконструкция қилинмоқда. Болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари замонавий инвентарлар билан таъминланиб, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрланмоқда.

Тошкентда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси футбол ривожига қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Дунёдаги энг замонавий стадионлардан қолишмайдиган бу мажмуада йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказиш, футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва мухлислар учун барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Анъанага кўра, Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида сўров ўтказилиб, 2012 йилнинг энг яхши мураббий ва футболчилари аниқланди.

«Энг яхши футболчи» номинацияси Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Санжар Турсуновга насиб этди. Иқтидорли ярим ҳимоячи мамлакатимиз бош жамоаси сафида 2014 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва «Бунёдкор» футбол клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов «Йилнинг эҳши мураббийи» деб топилди. Таниқли мута-

хассис бошчилигида тўп сураётган миллий терма жамоамиз 2014 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамга айланди. «Бунёдкор» жамоаси эса Ўзбекистон кубоги ва миллий чемпионатнинг қумуш медалини қўлга киритиб, Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалида тўп сурди.

2012 йил яқунларига кўра, ФИФА рефериси Равшан Эрматов «Йилнинг энг яхши ҳаками», миллий чемпионатимизда 19та гол урган «Нефтчи» футболчиси Анвар Бердиев «Ўзбекистон чемпионатининг энг яхши тўпурари», Тошкент вилоятининг «Олмалик» жамоаси эса ҳалол ўйин қоидаларига амал қилган клуб сифатида эътироф этилди.

Осиё чемпиони – Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси устози Дилшод Нуралиев «Энг яхши ёшлар мураббийи», мазкур жамоа аъзолари – Отабек Шукуров ва Жамшид Болтабоев «Энг яхши ёш футболчи», деб топилди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
Ўза мухбири

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида оммавий футбол масалалари бўйича тажриба алмашишга бағишланган махсус семинар ташкил этилди.

Озарбойжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон футбол федерациялари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда футбол федерациялари бош қотиблари футбол ривожини йўлида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар, футбол оламида рўй бераётган янгиликлар, мураббийлар, ҳакамлар малакасини ошириш масалалари ҳақида ўзаро фикр алмашишди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон футбол федерацияси бош қотиби Сардор Раҳматуллаев ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси Болалар ва ўсмирлар бўлими бошлиғи Шавкат Имомовнинг маърузалари йиғилиш қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати вакиллариининг ташаббуси билан хайрли ишга қўл урилди. Яъни Ўзбекистон футбол федерацияси қошида илк бор футбол журналистлари қўмитаси фаолият бошлаганини Ўзбекистон футбол федерациясида ташкиллаштирилган йиғилишда маълум қилинди.

ЯНГИ ҚЎМИТА ИШ БОШЛАДИ

Футбол журналистлари, футболчи ва мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришлари-га имкон яратиш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси қошида ташкил этилган футбол журналистлари қўмитасининг дастлабки йиғилишида бош қотиб ва қўми-та аъзолари сайланди. Унда иштирок этганлар йилнинг «Энг яхши ўйинчиси ва мураббийси» номинацияларини адолатли ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган спорт журналистларини расман рўйхатдан ўтказишни тартибга солишнинг аҳамияти ҳақида ўзаро фикр ал-

машишди. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг ҳар ойнинг яхши футболчиси ва мураббийсининг фақат миллий чемпионатимизда иштирок этувчи маҳаллий ҳамда хорижлик футболчилар ўртасида танланишига келишиб олинди. Эндиликда ҳар ойнинг энг яхши футболчиси ва мураббийсини аниқлаш мақсадида ташкил этиладиган сўровномани Ўзбекистон футбол федерацияси журналистлари қўмитаси юр-тади. Бундан ташқари ҳар ойнинг энг яхши футболчиси бевосита стадионда, мухлис-лар кўз ўнгига тақдирланади.

Ақбар
Йўлдошев

ШАХМАТ-ШАШКА ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Инсон ақлий салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган спорт турларидан бири шахматдир. Шахмат асрлар оша бизгача мерос бўлиб келмоқда. Ёшларнинг ҳар томонлама эркин фахрлаши учун мамлакатимизда шахмат-шашка спорт тури билан шугулланишларига катта эътибор қаратилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор тумани Кенгаши томонидан 326-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Шахмат-шашка» фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ўқувчи-ёшлар орасида «ақл гимнастикаси» бўлиши шахмат ва шашка спорт турини кенг оммалаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол тарзда вояга етишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.


Ушбу турнир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳара-

кати Олмазор туман Кенгаши, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Унда тумандаги 33 та умумтаълим мактаби, 16 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 300 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлари фаол иштирок этди.

Шахмат-шашка фестивали давомида 3 та ёш тоифаси бўйича ўғил-қизлар ўзаро беллашиб, 18 нафар ёшлар ғолибликни қўлга киритдилар.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўп нарсани истаган озидан ҳам қуруқ қолади.

Пулнинг келиши қийину кетиши осон.

Қарз олишни бошладингми, бошинг қарздан чиқмай қолади.

Ожиз бўлсанг, дард енгиб қўяди.

Исрофгарнинг бири икки бўлмайди.

Иш қилмаган гап-сўз билан ўзини ову-тади.

Бир ёнишнинг бир сўниши бор.

Бировни норози қилиб олган нарсанг буюрмайди.

Ёмонга йўлиқмагунча яхшининг қадри-ни билмайсан.

Вақтнинг ўтиши осон.

Нафс бандасининг ҳолига вой.

Кўп ейиш баданни толиқтиради.

Йўлга солувчидан йўлдан урувчи кўп.

Сабрдан ўткир дори йўқ.

Сабр-тоқат билан кутсанг, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади.

Бўш идишнинг қадри йўқ.

Ғазаб асаб қушандаси.

Вақт ҳар қандай дардга ҳам малҳам қўяди.

Аразда гараз бўлади.

Ёмон яхши йўлга бошламайди.

Оқил аламини меҳнатдан олади, жо-ҳил гийбатдан.

Айбингни билсанг-у тузатмасанг, нима фойда?

Ақлли одам бир аҳмоқлик қилиб қўйса, ўйлайвериб ич-этини ейди.

Аҳмоқ учун эса у ҳаёт тарзи.

Бекорчи бошга нима хаёллар келмайди.

Айбдорнинг гумони ўзидан.

Ҳеч нарса меҳнатнинг самарасини кўришдай кишини хурсанд қилмайди.

Нафсга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслик керак.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 28 февраль кунини ҳаво ўзга-риб туради, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеча-си — 1-3 даража совуқ, кун-

дузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо-нитнинг хизмати маълумотига кўра, 28 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити ша-ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқа-либ кетишига имконият яра-тади. Атмосферанинг ифлос-ланиш даражаси 1-3 фоз па-сайиши тахмин қилинмоқда, тағкидори паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 241

Телефонлар:
Эълолар: 233-28-95.
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
13549 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ